



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 29 январь, № 19 (7249)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ДУНЁ НИГОҲИ

«ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАҲБАРЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИДА ЮКСАЛИШ РЎЙ БЕРМОҚДА»

Иқтисодиёт ва молия бўйича нуфузли “El Mundo Financiero.com” (Испания) халқаро журналида шундай сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унинг муаллифи қирол Хуан Карлос номидаги университет профессори Карлос Уриартедир. Олимнинг қайд этишича, Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига киришганидан сўнг Ўзбекистонда мамлакатни фаол ривожлантириш ва модернизация қилишга қаратилган улкан ислохотлар амалга оширилмоқда.



Хусусан, ташқи сиёсатда ҳам туб ижобий ўзгаришлар кузатиляпти. К. Уриартеннинг айтишича, Ўзбекистон қўшнилар билан муносабатларда янги йўналиш ташаббуси билан чиқди. Тинчлик, яхши кўшнчилик, ҳамкорлик ва минтақавий барқарорликни мустаҳкамлаш унинг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон етакчисининг 2018 йилда АҚШ ва Франция ҳамда бошқа давлатларга амалга оширган ташрифлари унинг нафақат яқин хориждаги, балки Ғарбдаги йирик иқтисодий илгор мамлакатлар билан ҳам икки томонлама шерикликни кенгайтириш истаги борлигидан далолат беради.

Ўтган йил июнь ойида Шавкат Мирзиёев ШХТ саммити доирасида ХХР Раиси

Си Цзиньпин билан учрашди. 2018 йилнинг 30 сентябрь — 1 октябрь кунлари Ўзбекистон Президенти Хиндистонга давлат ташрифи билан борди. Октябр ойида Россия Президенти Владимир Путин Ўзбекистонга келди. Бинобарин, муаллиф ўтган йиллардаги муҳим воқеаларни санаб ўтади.

Экспертнинг фикрича, Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 9 июнь куни Остонада бўлиб ўтган ШХТ саммитидаги иштироки доирасида Испания Қироли Филипп VI билан учрашуви икки томонлама алоқалар раванкига хизмат қилди.

Охириг уч йилда Ўзбекистон халқаро майдонда алоҳида эътирофга сазовор бўлди. Карлос Уриарте

АҚШнинг Ўзбекистонни “алоҳида хавотир уйғотадиган давлатлар рўйхати”дан чиқариш тўғрисидаги қарорини муҳим муваффақиятлардан бири сифатида эътироф этган. Ўз навбатида, диний эркинлик соҳасида эришилган ютуқлар ҳам таъкидлаб ўтилган. “Ўзбекистон фаолият кўрсатиш, интеграция қилиш ва ҳамжиҳатлик борасида намуна бўладиган кўп миллатли ва кўп конфессияли республикадир”, дея урғу беради муаллиф.

Шавкат Мирзиёевнинг янги сиёсати дунё кун тартибига ижобий ғоялар олиб кирганини таъкидлайди муаллиф. Улар муваффақиятли амалга ошириляпти.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДИНИЙ СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ АРАБ ДУНЁСИДАГИ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

Кувайтда чоп этиладиган нуфузли нашр — “Ас-сияса” газетаси Ўзбекистонда кейинги йилларда диний соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида мақола эълон қилди.

Унда мамлакатимизда диний бағрикенгликни қўллаб-қувватлаш, ислом илм-фани ва маданиятининг бебаҳо дурдоналари бўлмиш бой маънавий меросимизни сақлаш, ўрганиш, инсониятга эзгу ғоя ҳамда таълимотларини етказишга катта эътибор қаратилаётгани таъкидланган.



Ўзбекистонда 16 та конфессияга мансуб 2200 дан зиёд диний ташкилотларнинг эмин-эркин фаолият кўрсатётгани, малакали диний ходимлар тайёрлашга устувор вазифа сифатида қаралаётгани, ушбу мақсадда ўндан ортққ диний таълим муассасалари иш юритаётгани мамлакатда ижтимоий барқарорликнинг муҳим омилли сифатида баҳоланган.

Айни вақтда Ўзбекистонда ислом дунёсининг маълум ва машҳур сиймолари — Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Муин Насафий, Баҳоуддин Нақшбанд каби аллома ва азиз-авлиёларнинг илмий меросини ўрганиш, улар хоки мангу кўним топган манзилларни обод этиш бўйича олиб борилаётган ишлар алоҳида таъкидланган.

“Сурхондарё вилоятида Имом Термизий мақбараси таъмирланди. Унинг ёнгина-

сида янги масжид ва кутубхона барпо қилинди. Бу ерда ҳадис ва бошқа ислом илмлари ривожига улкан ҳисса қўшган мусулмон уламоларининг илмий меросини чуқур ўрганиш мақсадида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди. Шу вақтга қадар буюк алломанинг 14 номдаги асари таржима қилиниб, ўзбек тилида нашр этилди”, дейилади мақолада.

Газетада ёзилишича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил октябр ойида ўтказилган Ислам ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқида Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ғояси илгари сурилган эди. Бу ташаббус Имом Бухорийдек буюк алломанинг илмий меросини чуқур ўрганиш, дунёга таранум этиш, ҳадис

илмлари ривожига ҳисса қўишини мақсад қилади. Шунингдек, “Ас-сияса” газетаси ўз саҳифасида Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази, Ҳадис илми мактаби, Мир Араб олий мадрасаси ташкил этилганини ислом маданияти ва илмий меросини ўрганиш йўлидаги муҳим қадамлар сифатида ёритган.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда диний таълим, тадқиқот йўналишларида ҳаётга таъбиқ этилаётган ташаббуслар мусулмон дунёсининг қизиқишига сабаб бўлаётди. Бинобарин, юртимиз тарихан ислом илмлари, фан ва маданият кенг ривожланган диёр бўлиб, ҳеч шубҳасиз, бугунги мусулмон маданияти тараққиётини алломаларимиз, уларнинг беазир илмий меросини тасаввур этиб бўлмайди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ («Халқ сўзи» тайёрлади.

Эксклюзив интервью НАВОЙЙ ВИЛОЯТИДА КЛАСТЕР УСУЛИ ҚАНЧАЛИК ЎЗИНИ ОҚЛАЯПТИ?

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Германияга расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантиришда мутлақо янги саҳифа очди. Ушбу муҳим ташриф мамлакатимиз иқтисодиётига немис тадбиркорлари қизиқишини ошириш асносида инвестицияларни кенгроқ жалб қилишга катта туртки бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

Албатта, ҳамкорлик натижасида республикамиз ҳудудларида ҳам Германиянинг илгор технологиялари-га асосланган лойиҳалар амалиётга татбиқ этилиб, sanoat тармоқларидаги ислохотлар шиддатига янгича суръат бағишлаши, шубҳасиз.

Мухбиримиз юртимизнинг йирик sanoat марказларидан бири — Навоийда мазкур ташриф самаралари туфайли қўтилаётган янгиланишлар ҳусусида вилоят ҳокими Кобул ТУРСУНОВ билан суҳбатлашди.



— Кобул Бекназарович, Навоий пахтачиликда кластер усулини тўлиқ жорий этган илк вилоятлардан биридир. Германия эса шу орқали Европада қишлоқ хўжалигида етарли таърибга тўлганга мамлакатлардан бири ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг “кўҳна қитъа”га мазкур ташрифи кластер тизимида яна қандай имкониятларни тақдим этади, деб ўйлайсиз?

— Ҳақиқатан ҳам, Германия ўз иқтисодиётида интенсив-инновацион тараққиётнинг кластер усули бўйича Европадаги энг илгор мамлакатлардан бири саналади. Бу усул нафақат бирор-бир тармоқ ривожини, балки ташқи бозорга чиқиши ҳамда унинг мавқеи мустаҳкамланишини ҳам таъминлайди. Шу боис Германияда юқори технологияларга асосланган автомобилсозлик, машинасозлик, биотехнология каби аънанавий индустрия билан бирга, тиббиёт, биоэнергетика, логистика ва нанотехнология соҳаларида ҳам кластер тизими кенг татбиқ этилган. Бу усул мамлакатда қайси

соҳада қўлланилмасин, ишлаб чиқариш, айниқса, бизнес ва фаннинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди. Шу орқали макро ва микро миқёсда юқори технологияли ишлаб чиқариш рағбатлантирилади.

Кластер Германияда ҳам дастлаб алоҳида ҳудудлар, соҳа ва тармоқлар ривожининг старт нуқтасини белгиланган. Кейинчалик ҳам горизонтал, ҳам вертикал йўналишларда унинг кўлами кенгайтирилган. Шу жиҳатдан Германия таърибаси кластер жорий этилган ҳудудларимизда муҳим аҳамиятга эга.

Вилоятимизда 2018 йилдан пахтачиликда тўлиқ кластер усулига ўтилди. Унинг самаралари эса бугунги кунда кўпчиликка яхши таниш. Лўнда қилиб ифодаласак, кластер, бу — инновация дегани. Давр талаби эса барча тармоқда бир-бирини тўлдирувчи, яқиний натижадан манфаатдор юқори технология ва замонавий маркетингга асосланган ишлаб чиқариш йўлга қўйишдан иборат.

ОРОЛНИНГ ҚУРИГАН МАЙДОНИДАН ЧУЧУК СУВ ЧИҚДИ



Табиат инъоми

Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманидан 200 километр, Нуқусдан 400 километр олсда Возрождение оролининг Шағала деб номланувчи ҳудудидан — Орол денгизининг қуриган майдонидан чучук сув топилиди.

Ушбу манба Жанубий Орол олди артезиан ҳавзасининг бўр даври ётқиқликларда, яъни 260 — 280 метр чуқурликда аниқланди. Сув сарфи секунди-га 7 литрни ташкил қилаётган бу сувнинг минераллашуви 3 грамм, қаттиқлиги 6 миллиграмм эквивалентга тенг.

Оролбўйи дала гидрогеологик экспедицияси томонидан жорий йилда Мўйноқ туманида, яъни Возрождение ороли, Сурғил, Ахантай ҳудудларида шу каби 40 та сув кўзаларини очиш ре-

жалаштирилган. Бу — биринчиси. Сув кўзаларининг очилиши Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларида чорвачиликни ривожлантиришга замин яратди. Шунингдек, 2021 — 2023 йилларда Жанубий Оролнинг қуриб қолган қис-

мини геологик жиҳатдан ўрганиш ишлари олиб борилиши ҳам алоҳида дастур сифатида қабул қилинган.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири аҳолининг ҳуқуқий оғирлиги маданиятини юксалтириб бориш саналади. Зотан, одамлар қонунларни қанчалик кўп билса, мазмун-моҳияти, аҳамиятини чуқур англаса, ўз ҳақ-ҳуқуқларини қонуний ҳимоя қила олади. Шу боис кейинги йилларда юртимизда рўёбга чиқарилаётган кенг кўламли ишлар инсон манфаатлари ва эркинликларига ҳурмат муносабатини



Халқ билан юзма-юз

шақллантириш, умуман айтганда, миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислох этишга хизмат қилмоқда. Президентимизнинг жорий йил 9 январдаги Фармони билан тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси ҳамда уни 2019 йилда самарали амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” бу борадаги сай-ҳаракатларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

“Халқ билан юзма-юз” руқининг бу галги мавзуси адлия идоралари тизимидаги ўзгаришлар, аҳолини қийнаётган айрим муаммоларнинг ечимига, ўз навбатида, фуқароларни қизиқтирган масалаларга бағишланди.

Юрдошларимиз томонидан таҳририятимизга йўлланган саволларга Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Русланбек ДАВЛЕТОВ эксклюзив тарзда жавоб берди.

4-саҳифага қаранг.

Парламент ҳаёти

ВАЗИФАЛАР ҚОҒОЗДА ҚОЛИБ КЕТМАСЛИГИ КЕРАК

Кейинги икки йилда фуқароларимизнинг турмуш шароитларини яхшилашга, йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишга қаратилган 90 та қонун ҳамда 2 мингдан зиёд Фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Бироқ ушбу ҳужжатларда белгиланган 13 мингдан ортққ топшириқларнинг 20 фоизи ўз вақтида ижро этилмаган. Бу эса давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари раҳбарлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг ишга етарли даражада масъулият билан ёндашмаётганидан далолат беради.

Жумладан, ўтган йилги “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастурининг ижтимоий соҳани ривожлантиришга оид устувор йўналишларида 61 банд белгиланган бўлиб, уларнинг 5 таси тўлиқ бажарилмаган.

Бу ҳақда Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиянинг ўтган йилги Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан бажарилган ишлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган мажлисида алоҳида айтиб ўтилди. Амалга оширилмаган бандлар борасида аниқ миқдорлар келтирилди. Соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик ва бошқа

қатор соҳаларда қонун ҳужжатлари лойиҳалари ишлаб чиқилмаганига урғу берилди. Шу билан бирга, ўтган йил аввалида қўйилган вазифалар ижросига тўсиқ бўлган муаммолар таҳлили орқали уларни бартараф этиш йўллари муҳокама қилинди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, “Тараққиёт стратегияси” маркази, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати вакиллари, тегишли вазирлик, идоралар, ҳокимликлар раҳбарлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси мутасаддиларининг ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича 2018 йилда бажарилган ишлар юзасидан ҳисоботлари эшитилди.

➡ 2

Маҳаллий Кенгашларда

АКСАРИЯТ РАҲБАРЛАР ҲАР ОЙДА ҲИСОБОТ БЕРИШИ ЛОЗИМЛИГИДАН БЕҲАБАР БУНИ ҚАНДАЙ ИЗОҲЛАШ МУМКИН?

Жиззах вилотида аҳолини патронаж хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш бўйича ишлар ҳали ҳам талаб даражасида эмас. Аксарият ҳолларда патронаж хизмати фақатгина тегишли хонадон вакиллари билан суҳбатлашишдан нарига ўтмаяпти. Натижада айрим туманларда касалликлар чалиниш ҳолатлари кўпайган.

дилари, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари мутахассисларидан иборат таркибда тузилган Республика ишчи гуруҳининг вилотда ўтказган ўрганишлари яқунлари халқ вакиллари эътиборига ҳавола этилди.

Аниқланган камчиликларга жойларда тиббиёт муассасалари раҳбарлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг тўғри йўлга қўйилмаётгани ҳам сабаб бўлаётгани айтилди. Оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари раҳбарларининг ўзлари хизмат кўрсатаётган аҳоли вакиллари олдида ҳисобот бериши ҳамда маҳаллий Кенгашлар сессияларида тегишли тиббиёт бирлашмалари раҳбарларининг ҳисоботини эшитиш амалиёти жорий этилган эди.

➡ 3

Ташаббус

ЭКОҲАШАР ХАЛҚИМИЗНИ ВАТАН ОБОДЛИГИ ЙЎЛИДА БИРЛАШТИРДИ

Жорий йилнинг 26 январь куни республикамиз бўйлаб илк бор умумхалқ экологик хайрия ҳашари ўтказилди. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 22 январдаги фармойиши асосида “Юртимизни янада обод қилайлик!” шиори остида уюштирилган мазкур ҳашар Оролбўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш, Орол денгизининг экологик фалокати оқибатларини юмшатишда катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондида ташкил этилган республика штабида ҳудудларда амалга оширилган ишлар умумлаштириб борилди. 13 миллионга яқин фуқаролар, шу жумладан, 8 миллион нафардан зиёд ёшлар иштирокида 27 219 гектарга яқин майдонлар ободонлаштирилди. 39 689 тоннадан ортққ чиқиндилар чиқариб ташланди. Ариқ ва лотоклар тозаланиб, 9 950 қабристон ҳамда 952 та зиёратгоҳ тартибга келтирилди.

Шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига мурувват ёрдамларини кўрсатиш ҳам алоҳида эътиборга олинди. Хусусан, кам таъминланган оилаларнинг қарийб 300 520 квадрат метр уй-йўйлари ҳашар йўли билан таъмирлаб берилди. 13 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олинди, моддий ёрдамлар кўр-



сатилди. Хайрия тадбирлари орқали “Маҳалла” фонди ҳисобидан 140 миллионга яқин маблағ сарфланди.

➡ 2

НАФС БАЛОСИ

ЁХУД ТАРАҚҚИЁТГА ТУШОВ БЎЛАЁТГАН ИЛЛАТ



Порахўрлик — тараққиёт тушови. Ахир кимдир ўз айбини “ёпиш” учун қайсидир мансабдорга пул тутказаверса, ўз навбатида, у ҳам салбий ҳолатни кўрмаганга олиб кетаверса, ривожланиш ҳақида гапириш бефойда.

Шу боис ҳам мамлакатимизда коррупцияга қарши жиддий кураш олиб борилмоқда. Тадбирлар натижалари оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб бориляпти ҳам. Бинобарин, порахўрлик ва пора олди-бердисида воситачилик қилиш жамият учун ижтимоий хавфи юқори ҳамда оғир оқибатларга олиб келувчи жиноятлар тоифасига киради. Шунингдек, ҳаром лўқма билан кун кўришга дучор бўлганларнинг пайи ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан беаёв қирқилляпти. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам англаш қийин эмас.

Бош прокуратура маълумотлари-га қараганда, ўтган йили тизим хо-димларига 103 ҳолатда пора так-лиф қилинган. Аниқроқ айтганда, олғирлар Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси ходимла-рига ўз кирдикорларини хаспўшлаш учун **57 минг 500 АҚШ доллари ва 51 миллион 735 минг сўм миқдорида** пора беришга ури-нишган.

Мисол учун, Фарғона вилояти “Иссиқликманбаи” корхонасига те-гишли қозонхоналардан бирининг бошлиғи бўлиб ишлаган Қосимов моддий жавобгарлигида бўлган товар-моддий бойликлардан аниқланган камомадни камайтириш эвазига Департамент ходими-га 1 000 АҚШ долларини пора тари-қасида бераётган вақтида ушланган.

Нафс қулига айланганлардан яна бирининг жинояти эса Қашқадарё вилояти, Касби туманидаги Бола-лар ва ўсмирлар спорт мактабида аниқланди.

Гап шундаки, ушбу муассаса ди-ректори вазифасида ишлаб келган Шарипов ҳам олиб борилган мо-лиявий текширишлар бўйича жино-ят иши кўзгатмаслик ва жиноий жа-вобгарликка тортилмаслик учун Де-партамент ходими-га 2 минг АҚШ доллари миқдорида пора таклиф қилади. Ходим эса, ўз навбатида, бу хусусда раҳбариятини хабардор этади. Кўрилган тезкор тадбирлар натижасида Шарипов пора бе-раётган пайтида қўлга тушган.

Имкониятни суиистеъмол қилган тадбиркор

Департамент ходимлари томони-дан, шунингдек, Тошкент шаҳри-нинг Учтепа туманида фаолият юритган тадбиркор Азимовга те-гишли омборхона кўздан кечирил-ганида, истеъмол қилиш муддати ўтиб кетган 80 минг 4 дона қуло-тирилган шакарли сут маҳсулоти-

нинг санаси қўлбола усулда 9 ойга узайтирилиб, сотишга тайёрлаб қўйилгани аниқланди. Фақат бут-на эмас, мазкур омборхонада анча миқдорда яроқсиз сариеғ ҳам са-кланаётгани маълум бўлди.

Вазият жиддий. Нима қилиш ке-рак? Бу ҳолатда ҳам учар тадбир-кор вазиятдан чиқиш йўлини мод-дий манфаатдорлик деб билиб, ха-тога йўл қўйди. Яъни у ҳар икки ҳолат юзасидан тезкор ходимлар-га жиноят иши кўзгатмаслик учун 20 минг АҚШ доллари беришини таклиф қилади. Оқибатда 8 минг АҚШ долларини пора сифатида бе-раётган пайтда қўлга олинади.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Мам-лакатимизда тадбиркорлик учун кат-та имконият берилмоқда. Ишлай-ман, деганга имтиёзлар тақдим этиляпти. Қулай шарт-шароитлар яратилаётир. Фақат фаолият қон-уний бўлса бас. Акс ҳолда, иш юқоридагидек аянчли яқун топиши мумкин. Устига-устак, ушбу тадбир-

кор фаолияти озиқ-овқат билан бе-восита боғлиқ. Омборхонадаги маҳ-сулотлар сотувга чиқиб кетганида нима бўларди? Ахир ҳеч ким му-ддати ўтган маҳсулот инсон саломат-лиги учун салбий таъсир кўрсатмай-ди, дея қафолат бера олмайди-ку?!

Энг осон йўл деб ўйлаганди

Бундай ҳолатларга Мажбурий ижро бюроси ходимлари ҳам дуч келишмоқда. Жумладан, Фукаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг қарздор Насриддиновдан Санокүлова фойдасига 28 миллион 200 минг сўм қарздорлиқни ва 3 миллион 785 минг 500 сўм банк фоизини, жами 31 миллион 983 минг 500 сўм ундириш тўғри-сидаги ижро ҳужжати Бюронинг Жиззах шаҳар бўлими иш юриту-ви-га келиб тушади. Насриддинова ҳам ўзинча энг осон деб ўйлаган йўлни тутди. Яъни давлат ижро-чисига ишни ёпиш учун ундирили-ши лозим бўлган маблагнинг оз эмас, кўп эмас, тенг ярмини бе-ришини таклиф қилади. Табиийки, бу билан қонуний йўлни танлай-ди ва 300 АҚШ долларини пора та-риқасида узатаётган вақтида уш-ланади. Оқибатда унга нисбатан Жиноят кодексининг 211-моддаси, 1-қисми қўлланилади.

Яқинда Андижон вилоятида со-дир этилган ҳолат эса ҳаммасидан ошиб тушди. Бу ерда гап Марҳамат тумани прокуратураси томонидан

худуддаги “Ўқчи” пахта тозалаш за-води мансабдор шахсларига нисба-тан қўзғатилган жиноят иши ҳақида кетмоқда. Яъни завод қошидаги “Марҳамат” пахта тайёрлов маска-нида товаршунос бўлиб ишлаган Қорёғдиев туман прокуратураси раҳбарлирига мазкур иш бўйича унга нисбатан енгиллик қилиш ҳамда қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлламаслик эвазига 1 000 АҚШ дол-лари миқдорида пора таклиф этади. Олиб борилган тезкор тадбир давомида Қорёғдиев таклиф қилган 1 000 АҚШ долларидан 500 АҚШ долларини қўрқмай-нетмай, туман прокурорига пора тарикасида бера-ётган вақтида хохислар иштирокида ашёвий далиллар билан ушланган.

Халолликка нима етсин!

Айни пайтда республикаимизда мазкур иллатга қарши барча ҳуқуқ-тартибот органлари жиддий кураш олиб бормоқда. Чунончи, Ички иш-лар вазирлиги тизими ҳам. Ўтган йили ички ишлар органлари ходимлари-га 77 ҳолатда пора таклиф қилингани ва ушбу жиноятчилар қўлга олингани фикримиз тасдиқидир.

Қисқаси, бугунги кунда мамла-катимизда пора бериш ва уни олишга уринганларга жазо мука-рар. Юқоридаги мисоллар орқали эса ҳеч қачон эгри йўлнинг охири яхши эмаслигини яна бир бор эс-латиб қўйишни хохладик, ҳолос. Давлат ва жамият биргаликда ҳара-кат қилсагина, тараққиёт кушанда-си бўлиши порахўрлик иллатининг олдини олишда муайян натижалар-га эришиш мумкин.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Д. УЛУҒМУРДОВ тайёрлади.

ЖАРАЁН 3

АКСАРИЯТ РАҲБАРЛАР ҲАР ОЙДА ҲИСОБОТ БЕРИШИ

ЛОЗИМЛИГИДАН БЕХАБАР

БУНИ ҚАНДАЙ ИЗОХЛАШ МУМКИН?

1➡

Бирок 2018 йилда вилоятдаги аксарият оилавий поликлини-калар ва қишлоқ врачлик пунктлари раҳбарлари аҳоли олдида бирор мартаба ҳисо-бот бермаган. Ҳатто аксарият раҳбарлар ҳар ойда ҳисобот берилиши лозимлигидан бе-ха-бар эканини қандай изоҳлаш мумкин?

Сессияда кўтарилган маса-лалар юзасидан Республика ишчи гуруҳи раҳбари ўринбо-сари, соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шодмоновнинг вило-ятда олиб борилган ўрганиш-лар натижалари юзасидан ахбороти эшитилди.

Таъкидландики, кейинги икки йил ичида ҳудудда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган. Хусусан, вилоят кардиология диспансери бино-си янгидан қурилди, перина-тал маркази биноси реконст-рукция қилинди. Жиззах ша-ҳар кўп тармоқли марказий по-ликлиниксининг 200 қатновга мўлжалланган биноси реконст-рукция қилиниб, фойдаланиш-га топширилш арасасида. Қадрларга бўлган эҳтиёж тўлдирилмоқда. Марказдан ва чет давлатлардан тажрибали мутахассислар жалб этиляпти. Агар 2017 йилда вилоят бўйи-ча соғлиқни сақлаш тизимида 2 минг 938 та штат бўлган бўлса, бугунги кунда улар сони 3 минг 931 тага етган.

Бундан ташқари, ўтган йил-нинг ўзида вилоятда 26 та ҳу-сусий тиббиёт муассасаси ташкил қилиниб, уларнинг сони ҳозир 100 тадан ошган. Булар

Толибжон ЭРҒАШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари диққатига!

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ



2018/2019 ўқув йилида институтни битирадиган бакалаврият ва магистратура битирувчиларини иш ўринларига тақсимлаш жараёни бошланганлигини маълум қилади

Жорий йилда институтни тамомлаётган битирувчиларга турли корхона ва ташкилотлардан 1 200 га яқин буюртмалар келиб тушган. Шу билан бирга, битирувчиларни ишга тақсимлашда республикаимизнинг барча ҳудудини қамраб олиш, юқори малакали мутахассисларга эҳтиёжи бор корхоналарнинг талабларини қондириш ва битирувчиларга тақсимот жараёнида танлаш имкониятини кенгайтириш мақсадида институт томонидан буюртмалар қабул қилиш давом этмоқда. Институтни тамомлаётган кадрларга эҳтиёжи мавжуд ҳўжалик субъектлари раҳбарлари талабнома ва сўров хати билан 2019 йил 12 февралгача институт ректоратига мурожаат қилишлари мумкин. Талабномада буюртмачининг реквизитлари (почта манзили, телефон рақами) ҳамда таклиф этилаётган лавозим тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ кўрсатилиши талаб қилинади. Бундан ташқари, мутахассисларга эҳтиёжи бор барча корхона ва ташкилотларни, шунингдек, туманлардаги аҳолини бандликка кўмаклашиш маркази масъул ходимларини битирувчилар билан бевосита суҳбат ўтказиш, ишга танлаб олиш ҳамда шартномалар расмийлаштириш учун 2019 йил 15 февраль куни соат 10.00 дан 17.00 гача институтда ўтказиладиган «Карьера куни» меҳнат ярмаркаси тадбирларига таклиф этамиз.

Битирувчилар тўғрисидаги батафсил маълумот билан институт веб-сайти (<http://tfi.uz>)да «Битирувчилар» бўлимида танишиш мумкин.

Йўналишлар бўйича қуйидаги маълумотларни илова қиламиз.

2018/2019 ўқув йилида БИТИРУВЧИ БАКАЛАВРЛАР Тўғрисида маълумот														
Т/р	Бакалавр йўналишларининг номи	Жами битирув-чилар сони	Шу жумладан, вилоятлар бўйича											
			Қорақалпо-ғистон Рес-публикаси	Андижон	Бухоро	Жиззах	Қашқадарё	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сирдарё	Сурхондарё	Тошкент вилояти	Фарғона
1	Банк иши	126	2	2	7	1	13	9	1	8	3	1	8	10
2	Молия	312	6	5	30	10	22	11	13	24	3	7	22	11
3	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	147	5	4	9	4	15	10	4	11	4	4	10	8
4	Солиқлар ва солиққа тортиш	153	1	9	14	6	15	5	1	10	6	10	8	12
5	Суғурта иши	39	1		3		4	2		3	2	4	1	2
6	Касб таълими (Бухгалтерия ҳисоби ва аудит)	11										1		1
7	Касб таълими (Банк иши)	20								1	3	2	2	14
8	Касб таълими (Молия)	14									1	2	1	11
9	Менежмент	50	1	1	2	2	2	5		4	1	1	7	2
10	Баҳолаш иши	29	1		3	1	1			2			3	3
11	Пенсия иши	42		1	2		5	3		2	3	3	3	2
12	Давлат бюджетининг газна ижроси	29	1				2	2		6	1	3	3	14
Жами:		972	18	22	70	24	79	47	19	71	19	36	69	43

2018/2019 ўқув йилида БИТИРУВЧИ МАГИСТРЛАР Тўғрисида маълумот														
Т/р	Магистратура мутахассисликларининг номи	Жами битирув-чилар сони	Шу жумладан, вилоятлар бўйича											
			Қорақалпо-ғистон Рес-публикаси	Андижон	Бухоро	Жиззах	Қашқадарё	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сирдарё	Сурхондарё	Тошкент вилояти	Фарғона
1	Иқтисодийёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	14		1	1	1			1		1	1	1	7
2	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	10			1	2				2				3
3	Давлат молиясини бошқариш	22	1		1		2	3	1	2		2	1	10
4	Корпоратив молия ва қимматли қорғозлар бозори (соҳалар бўйича)	21					4	1				1	1	13
5	Инвестицияларни бошқариш (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	16	1				1	1		1			4	1
6	Халқаро молия	9				1	1		2			1		6
7	Банк иши (фаолият турлари бўйича)	15			1	1							1	12
8	Банк ҳисоби ва аудит	14		1				1					1	8
9	Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар бўйича)	15					2		1			1	2	9
10	Аудит (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	12					1	1	1	1		1	1	7
11	Бюджет ҳисоби ва назорат	6			1		1		1			1		2
12	Пенсия иши	4					2	1			1			
13	Баҳолаш иши ва риэлторлик (объектлар бўйича)	3					1							2
Жами:		161	2	2	5	5	15	8	7	5	2	7	12	4

Маълумотлар учун телефон: 71-234-41-89, факс: 71-234-67-71.

Тошкент молия институтининг буюртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг бўлими.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳўчаси, 60-«А» уй, e-mail: bmab@tfi.uz

«ХАЛҚ СЎЗИ»

ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

71-232-10-63,
71-232-11-15.

E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklamaxs@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ

МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНING

«ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ

ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК

онлайн-аукцион савдоларига таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Қашқадарё вилояти бошқармаси билан 2018 йил 30 ноябрда тузилган 267/2018-13-сонли шартномага асосан **<http://www.auksion.uz>** электрон манзилдаги электрон савдо майдончасида **2019 йил 26 февралда** ўтказиладиган очик аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Қашқадарё вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Т/р	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Лот рақами
1.	«УАЗ 31514012»	1997 йил	70 096 GAA	0042334
2.	«УАЗ 31514»	1996 йил	70 908 ZAA	0042335
3.	«УАЗ 3151210»	1996 йил	70 131 GAA	0042336
4.	«УАЗ 3151210»	1996 йил	70 689 YAA	0042337
5.	«УАЗ 3151210»	1996 йил	70 112 GAA	0042338
6.	«УАЗ 31512»	1996 йил	70 116 GAA	0042339
7.	«УАЗ 3152»	1993 йил	70 108 GAA	0042340
8.	«УАЗ 31514012»	1997 йил	70 092 GAA	0042341
9.	«УАЗ 31512»	1993 йил	70 160 GAA	0042342
10.	«УАЗ 39099»	2001 йил	70 491 FAA	0042343
11.	«УАЗ 3151410»	1996 йил	70 145 GAA	0042344
12.	«DAMAS»	1997 йил	70 136 GAA	0042345

Автотранспорт воситалари сақланаётган манзил:
Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Мустиқлик кўчаси, 3-уй.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш — **«Е-IRO AUKSION»** ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимига танлов эълон қилади

- Матбаа ва қадоклаш жараёнлари технологияси кафедраси: кафедра мудири.
- Тўқима матолари технологияси кафедраси: катта ўқитувчи.
- Физика ва электротехника кафедраси: кафедра мудири.
- Кимёвий технология кафедраси: кафедра мудири.
- Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш кафедраси: кафедра мудири.
- Математика ва информатика кафедраси: кафедра мудири.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар ректор номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ҳамда иштиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисида ҳужжатлар нусхалари топширадилар.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

Эслатма: мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот берадилар, танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтказилад.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси, 5-уй. 1-бино, 210-хона. Тел.: 71-253-17-78.

Тошкент кимё технология институтини жамоаси Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси кафедраси профессори, техника фанлари доктори Саидқабар Абдурахимовга отаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иштироки ва рационализатор

Абдурахмон АБДУРАХИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди уюшма аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоира

Эътибор ОХУНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумининг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Бухоро вилояти матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи Гулнора Самиевага отаси

Ражаб САМИЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



ЖАМИЯТДА ҚОНУНЛАРГА ҲУРМАТ РУҲИНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ — ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШНИНГ ГАРОВИДИР

Савол: Яқинда Андижон шахридаги квартирамни сотдим. Олди-сотди шартномасини шахардаги 1-нотариал идорасида расмийлаштирдик. Шунда нотариал идора ходими давлат божи учун 170 минг сўм пул тўлашимни сўради. Устига-устак, тўлов пластик карта орқали эмас, нақд пулда амалга оширилишини айтишди. Картадаги пулни нақдлаштириб, кейин тўладим. Бироқ менга пул тўлаганимни тўғрисида ҳеч қандай квитанция беришмади. Шу тўғрисида?

Собиржон ХҲАМОВ.
Андижон тумани

Жавоб: Йўқ, нотўғри. Давлат нотариал идораларининг ходимлари фуқаролардан нотариал ҳаракатлар учун тўловлар қабул қилиб олишга ҳақлари йўқ. Фуқаролар нотариал ҳаракатлар учун тўловларни давлат нотариал идораларидаги Халқ банкининг махсус кассалари ёки "Click", "Payme" ва "UPAY" каби мобил-банкнинг тизими орқали тўлашлари мумкин. Бундай тизимнинг жорий этилиши фуқаролардаги тўловларни ундириш билан боғлиқ айрим шубҳа ва гумонларни бартараф этади. Коррупцияга қарши фактларнинг олдини олишда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Савол: Ички ишлар идорасидан хизмат ваколатини суиистемол қилганлиги учун ишдан бўшатишнинг аксарияти адвокат вазифасида хизмат қилганди. Қонунбузарлиги учун ишдан бўшатишнинг ҳодим қандай қилиб қонун ҳимоячиси бўлиши мумкин? Нега адвокатлик лавозимига ишга қабул қилинаётганда уларнинг олдинги иш жойидан бўшатишнинг сабаби сурштирилмайди?

Лолаҳон САТИМОВА.

Жавоб: Талабгорга адвокатлик лицензияси берилишида унинг олдинги иш жойидан бўшатишнинг сабаби сурштирилмайди. Адвокатура адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Амалдаги қонун ҳужжатларига асосан, адвокатлик фаолияти билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, шуғулланишига ҳақлидир.

Олий юридик маълумотга эга бўлган ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни белгиланган тартибда олган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Ўзбекистон Республикасида адвокат бўлиши мумкин. Шу билан бирга, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган, деб топилган, шунингдек, судланганлик ҳолати тўғрисида бўлган ёки судланганлиги олиб ташланганлик ҳолатида адвокатлик фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

Савол: Аёллар 20 йиллик меҳнат стажига эга бўлса, пенсия ёшига етишадиган қатъи назар, пенсияга чиқади, деб эшитган эдим. Лекин онан туман пенсия идорасига бориб сўрасалар, бунақа нарсаси йўқ, дебди. Саволим шунки, 20 йил стажга эга аёллар пенсияга чиқа оладими?

Баҳодир АЛМАТОВ.

Жавоб: Қонунчиликка мувофиқ, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига аёллар — 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар. Яъни пенсияга чиқиш учун ҳам ёш, ҳам иш стажы тўғри келиши керак. Шунингдек, ёш тўғри келиб, иш стажы етарли бўлмаган ҳолларда бор иш стажига мутаносиб равишда пенсия тайинланиши мумкин. Умуман, иш стажы мавжуд бўлмаган шахсларга эса белгиланган тартибда ижтимоий нафақалар тайинланади. Саволга келадиган бўлса, ҳали пенсия ёшига етмаган шахс иш стажы қанча бўлишадан қатъи назар, пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга эмас.

Савол: Фарзандимни боғчага беришда Давлат хизматлари марказидан флешкамга махсус "калит"ни ташлаб беришган. Сал вақт ўтиб иккинчи квартирамизнинг ижарага бериш муддати тугайди. Уни узайтиришимиз учун ўша махсус "калит" керак, деб эшитдим. Агар шундай бўлса, дастлаб олган "калит"дан фойдалана оламизми ёки яна пул тўлаб бошқатдан олишим керакми?

И. БАХТИЁРОВА.

Жавоби: Йўқ. Ушбу ҳолатда янги электрон рақамли имзо калити олиш шарт эмас. Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиш муддати 24 ой. Элек-

трон рақамли имзо калити олганингиздан сўнг 2 йил давомида барча давлат хизматларидан фойдаланишда ушбу калитдан фойдаланишингиз мумкин.

Савол: Ривожланган давлатларда "Street law" деган тизим йўлга қўйилгани ва бу аҳолининг ҳуқуқий билимини оширишга хизмат қилиши ҳақида эшитгандим. Бизда ҳам мазкур тизимни татбиқ этиш кўзда тутилганми?

Низомиддин ХУСАНОВ.
Тошкент вилояти

Жавоб: Президентимизнинг "Жамиятда ҳуқуқий билимини оширишга хизмат қилиши ҳақида эшитгандим. Бизда ҳам мазкур тизимни татбиқ этиш кўзда тутилганми?"

ҳуқуқи — оддий ҳуқуқ) лойиҳасини кенг жорий қилиш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Ҳозир ушбу тизимни татбиқ этиш бўйича зарур чоралар қўйилмоқда. Уйлайманки, бу сай-ҳаракатлар орқали аҳолининг қонунлардан хабардорлик даражасини оширишга эришамиз.

Савол: Ота-онам вафот этган. Ҳозирги кунда акам ва мен оилаларимиз билан ота-онамиздан қолган уйда истикомат қиляпмиз. Яқинда ўзаро келишиб, уйни акамнинг номига расмийлаштиришмоқчи бўлсак, билдикки, у ҳамон бундан 40 йиллар муқаддам отамга сотган кишининг номида экан. Энди биз уйни расмийлаштириш учун қандай йўл тўтсак, тўғри бўлади?

Нурбек АЛЛАНОВ.
Амударё тумани

Чунки отангиз уйни оғзаки келишувга асосан сотиб олган қўринад. Уй-жойни бошқа шахсга ўтказиш ҳақида битимлар ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тасдиқланган бўлиши шарт. Фуқаролик кодексининг 187-моддасига асосан, мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка 15 йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгаллик қилган шахс бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олади (эгаллик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи мuddat).

Шунга кўра, сиз уй-жойни расмийлаштириш учун мазкур уй-жой жойлашган ҳудуддаги судга ариза билан мурожаат қилишингиз лозим.

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг "Нотариат тўғрисида"ги Қонунига асосан, нотариус қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома беришда мерос мол-мулкнинг таркиби ва жойини текшириш кўради. Мерос таркибини текшириш мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (ҳоким қарори, олди-сотди, ҳада ва бошқа битимлар, мерос гувоҳнома) асосида амалга оширилади.

Мазкур ҳолатда ота-онангиздан қолган уй-жой бўйича мерос иши расмийлаштиришнинг имкони йўқ.

Адлия тизимида қандай ўзгаришлар кузатилади?

Адлия вазирлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган, деб белгиланди.

Адлия тизимида республика — вилоят — туман (шаҳар) уч поғонали принцип бўйича вертикал бошқарув жорий этилди.

Адлия вазири давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти, ҳуқуқни қўллаш амалиёти тўғрисида ҳар йили Олий Мажлис Сенатига ахборот тақдим этиши йўлга қўйилди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари Вазирлар Маҳкамасига, Президент Администрациясига Адлия вазирлигининг ҳуқуқий экспертиза якуни бўйича киритиш механизми татбиқ қилинди.

Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти очилди.

Савол: Оила аъзоларимдан бирининг ёши 50 да, аёл киши. Унинг умумий стажы 33 йил. 1 йил қишлоқдаги сил касалликларига қарши кураш бўлимида, 16 йил ногиронлар уйида, 6 йил давомлар уйида ишлаган. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан тасдиқланган рўйхатда шу соҳада ишлаган аёллар 5 йил олдин пенсияга чиқиши мумкинлиги кўрсатилган. Лекин пенсия жамғармаси бунга рад жавобини берди. Шу ҳолатда имтиёзли пенсияга чиқиш мумкинми?

Жавоҳир ЖҲРАМИРЗАЕВ.

Жавоб: Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 2337, 2012 йил 12 март) мавжуд.

Унга кўра, ногиронлиги бор болалар учун

ихтисослаштирилган таълим бериш муассасалари, Меҳрибонлик уйларида 25 йил ишлаган врачлар, ўқитувчилар имтиёзли шартларда (5 йил олдин) ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқидан фойдаланади. Албатта, қандай лавозимда ишлагани ҳам мумкин.

Бу ҳолатни алоҳида ўрганиб кўриш лозим.

Савол: Маълумки, яқинда мамлакат ҳудуди бўйлаб ходимларга тўланадиган иш ҳақининг энг кам миқдори 501 минг 959 сўмдан 577 минг 172 сўмга оширилди. Бу жараимлар, бошланғич тўловлар миқдорига таъсир ўтказадими ёки йўқ?

Феррух ТУРҒУНБОЕВ.
Паркент тумани

Жавоб: Йўқ. Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси миқдорининг ўзгариши жараимлар ва бошқа тўловлар суммасига таъсир қилмайди. Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси ходимларга тўланадиган ойлик иш ҳақининг миқдорини белгилайди.

Солиқлар, мажбурий тўловлар, жарималар тўлаш учун асос эса Президент қарори билан белгиланганидан энг кам ойлик иш ҳақи суммаси орқали ҳисоблаб чиқарилади.



Савол: Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 июлдаги қарори билан тасдиқланган Кадастр ишини тайёрлаш ва кўчмас мулк объектларига кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича давлат хизматлари нархларини белгилаш тартибига асосан, кўчмас мулк объектларининг тураржой фондида оид қисмига кадастр ишини тайёрлаш ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришда:

Жавоҳир ОТАМУРОВО.
Тошкент вилояти

— кўп квартиралар уйдаги квартира — объектнинг 1 квадрат метр майдони учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1 фоизи (2 027,3 сўм), 25 фоизга кўпайтирилган ҳолда;

— яқка тартибдаги тураржой — объектнинг 1 квадрат метр майдони учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1 фоизи (2 027,3 сўм), 25 фоизга кўпайтирилган ҳолда тўлов ундирилади.

Давлат хизматлари марказига ёки Интерактив давлат хизматлари ягона порталига буюртма бериш йўли билан уй-жойга тегишли бўлган кадастр йиғмажилдини янгилашингиз мумкин.

Савол: Жиззах вилоятида доимий пропискида тураимиз. Яйни пайтада Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида вақтинчалик прописка билан яшаймиз. Биз турган ҳовли-жой нотариус орқали мерос сифатида менга расмийлаштирилган. Бу уй-жойнинг меннинг номимга расмийлаштирилишига ҳуқуқий асос бўла оладими?

Розия ХУСАНОВА.

Жавоб: Ҳа, ҳуқуқий асос бўлади. Фуқаролик кодексига асосан, мол-мулкни мерос қилиб олиш мулк ҳуқуқининг вужудга келишига асос ҳисобланади.

Мазкур уй-жой юзасидан сизга васиятнома бўйича ёки қонун бўйича меросга бўлган

ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома нотариал тасдиқланиб, кадастр хизматидан давлат рўйхатида кўрсатилган тақдирда, сизда тураржойга нисбатан мулк ҳуқуқи вужудга келади. Шунда ушбу тураржой номингизга расмийлаштирилган ҳисобланади.

Савол: Биз яшаётган квартирани турмуш ўртоғимнинг қариндошлари ўзаро келишим ҳолда бизга беришмоқчи эди. Лекин уй номига расмийлаштирилган фуқаро Россия Федерациясида ишлайди. Шу сабабли уйни номимизга расмийлаштириш мумкинми? Тураржойни уй эгаси иштирокисиз ҳам қонуний расмийлаштириш мумкинми? Бунинг учун нотариал идорага қандай ҳужжатлар тақдим этиш лозим бўлади?

Марҳаб НАЗАРОВА.
Чиноз тумани

Жавоб: Бу ҳолда, мулк эгаси ўзининг номидан тураржой олди-сотди шартномасини расмийлаштириш учун ишончли вакилга сотиб олувчи олдидан вакилик қилиш нотариал тасдиқланган ишончнома юбориши керак. Шундан сўнг ишончли вакил ишончнома асосида тегишли ҳужжатларни нотариусга тақдим қилади ва олди-сотди шартномасида тараф вакили сифатида иштирок этади.

Таъкидлаш жоизки, 2019 йил 1 январдан буюн барча давлат нотариал идораларида уй-жой олди-сотди шартномаларини расмийлаштириш учун тарафларнинг паспортлари ва тураржойга нисбатан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилинади. Бошқа барча ҳужжатларни нотариус тегишли ташкилотга идоралар орамкорлиги йўли билан сўровнома юбориш орқали олади.

Савол: Интернетда аҳоли тураржойлари бузилиши, бундан аҳоли норози бўлаётгани ҳақида охириг пайтларда кўп ўқиямиз. Айтган-чи, уйлари бузишда қандай ҳуқуқий асосларга таянлади?

Бобур ПАРДАЕВ.

Жавоб: Бу борада адлия идораларига ҳам кўп шикоятлар келиб тушяпти. Қонунчиликда аниқ тартиб белгиланган бўлса-да, баъзи ҳолларда талабларга риоя этмаслик ҳолатлари мавжуд. Шундан келиб чиқиб, қонунчиликка ўзгариш киритилиб, ер участкаларини олиб қўйишнинг аниқ мезонлари белгиланди.

Хусусан, ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарорлар фақат қўйиладиган мақсадларда қабул қилинади: — муҳофаза ва давлат хавфсизлиги, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эҳтиёжлари, эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш ва уларнинг фаолият юритиши учун ерларни тақдим этиш;

— халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш; — фойдаланиш қазилмалар қонунлари аниқлаш ва қазиб чиқариш; — автомобиль ва темир йўллари, аэропортлар, аэродромлар, аэронавигация объектлари ва авиатехника марказлари, темир йўл транспорт объектлари, кўприклар,

метрополитенлар, тоннеллар, энергетика тизими объектлари ва электр узатиш тармоқлари, алоқа тармоқлари, космик фаолият объектлари, магистрал қувурлар, муҳандислик коммуникация тармоқларини қуриш (реконструкция қилиш); — аҳоли пунктлари бош режаларини Давлат бюджетни маблаглари ҳисобидан объектлари қуриш бўйича бажариш, шунингдек, қонунлар ва Президент қарорларида тўридан-тўри назарда тутилган бошқа ҳолларда. Йиллари олиб қўйилган жойдаги бинолар бузилиб, одамлар пулини йиллаб ололмади юрган ҳолатлар бўлади. Эндилликда олиб қўйилган ер участкаларидаги объектларни бузишга кўчмас мулкнинг базисли бўлиши ва олиб қўйиш соҳабали мулкдорга етказилган зарар тўлиқ қопланганидан кейин рўхсат берилиши ҳақидаги норма қонунчиликка киритилиши билан ушбу муаммо бартараф этилди. Яъни аввал жисмоний ва юридик шахсларга қўрилган зарар қиймати қоплаб берилиши (янги уй-жой, компенсация тўлови ва ҳ.к.) кейин объект бузилиши лозим.



ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОН, СИЗНИ ЯНА ҚАНДАЙ МАВЗУЛАР КИЗИҚТИРМОҚДА, ҚАЙСИ МАСАЛАЛАРГА ОЙДИНЛИК КИРИТМОҚЧИСИЗ? БИЗГА САВОЛ ЙЎЛЛАНГ, УНГА МУТАСАДДИЛАР, АЛБАТТА, ЖАВОБ БЕРИШАДИ.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 229 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўқувлар 71-232-11-15.



Тахриратта келган қўлашмалар тақрир қилинмайди ва мустақил ҳаёт қилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирилган ташкилот жаовбар.
Газета тахриратта марказда термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик ҳаётдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-й.
Набатчи муҳаррир — З. Ашурова.
Набатчи — Ш. Раффаров.
Мусаҳҳих — С. Исмолов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
"Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Тошпирилди — 23.35 1 2 3 4 5 6